

## ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОНДАГИ ДИНИЙ –ФАЛСАФИЙ МАКТАБЛАР ҒОЯЛАРИНИНГ АУРОБИНДО ГҲОШ ФАЛСАФАСИГА ТАЪСИРИ

**РАМАТОВ Ж.С.**

*Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси мудири*

**ВАЛИЕВ Лочин Азаматович**

*Тошкент давлат транспорт университети  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси таянч докторанти*



<https://doi.org/10.24412/2181-2993-2023-2-197-202>

### АННОТАЦИЯ

*Ушбу мақоламиз “Қадимги ҳиндистондаги диний –фалсафий мактаблар ғояларининг Ауробиндо Гҳош фалсафасига таъсири” деб номланиб, ўз ичига қадимги Ҳиндистондаги мактабларнинг фалсафий ғояларини қамраб олади. Бу мактабларнинг таъсири натижасида ҳинд заминида етишиб чиққан Ауробиндо Гҳош, Свами Вевекананд, Тилак, Тагор ва Ганди каби олимлар ўз ғоялари билан дунёга машҳур бўлди. Бундан ташқари мақоламизда ведаларнинг фалсафий ғоялари ва уларнинг бўлиниши сабаблари ҳақида гап кетади.*

***Калит сўзлар;** табақа, витса – қирол, Гопал Кришна, Карамчанд Ганди, мўтадил ҳаракат идеал шахс.*

### ABSTRACT

*This article is entitled "Impact of the ideas of the religious-philosophical schools of ancient India on the philosophy of Aurobindo Ghosh" and covers the philosophical ideas of the schools of ancient India. As a result of the influence of these schools, scholars such as Aurobindo Ghosh, Swami Vevekanand, Tilak, Tagore and Gandhi, who flourished on Indian soil, became world famous for their ideas. In addition, our article talks about the philosophical ideas of the Vedas and the reasons for their division.*

***Keywords;** caste, vice – king, Gopal Krishna, Karamchand Gandhi, moderate movement ideal person.*

### КИРИШ

Ҳиндистон кўп асрлик тарих эга буюк давлатлардан биридир. Қадимдан бу ҳудудда кўпгина илмлар пайдо булиб, ривож топган. Бу хусусида қадимги ҳиндистон тарихини ҳиндларнинг ўзиданда яхшироқ ва аниқроқ ёритган бобокалонимиз “Абу Райҳон Беруний ўзининг “Ҳиндистон” асарида ёзилишича, эрамизнинг биринчи асрларидаёқ Ҳиндистонда тиббиёт, риёзиёт,

илми нужум, кимё, мусиқа, поэзия, тарих, санъат ва фалсафага оид билимлар кенг ривожланган бўлган. Айниқса, ноёб табиатга, саҳий заминга, ажойиб наботот ва ҳайвонот оламига бой бўлган қадимги Ҳиндистонда маданият ва санъатга оид, диний, фалсафий қарашлар кенг ривожланган”<sup>1</sup>.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДЛАР

Адабиётларимизнинг барчаси хориж адабиётларидан ташкил топган бўлиб, асосан мақоламиз мавзуси асосида йиғилган. Мана шу адабиётларимиздан Булгаков С.Н., свящ. Тихие думы ва Ауробиндо Гхош. Человеческий цикл асарларида инсон ҳаётининг олий мақсади ва инсон онгининг Supermind даражалари кўрсатиб ўтилган. Бундан ташқари Cooper J. The ancient teaching of Yoga and the spiritual evolution of man. L. ва Н. Chaudhuri нинг Sri Aurobindo: the prophet of life divine. Calcutta адабиётларида қадимги Ҳиндистон динларидаги табақаланиш масаласи кенг ёритилиб, бундай ижтимоий табақаланиш ҳинд заминида қандай ҳосил бўлганлиги ёритилган, ҳамда бу манбаларимиздаги маълумотларда шахсий таҳлилларимиз ҳам киритилиб ўтилган.

## НАТИЖАЛАР

Жаҳонда ўзининг маданияти ва маърифати билан танилган бу давлат ўзининг диний, фалсафий ва илмий қарашларини ўзига мужассам этган қадимги мактаблари билан машҳурдир. Бу мактабларнинг пайдо бўлиши ва қадимги фалсафий фикрларнинг ривожланиши милоддан аввалги минг йилликларга бориб тақалади. Қадимги фалсафий фикрларнинг ёзма манбаларидан бири Ведалардир. Ушбу манба қадимги ва ҳозирги ҳинд халқи учун муқаддас дин сифатида қадрланиб, унинг замирида ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ҳамда маънавий – маърифий манбалар ҳам сақланади. Кўпгина олимлар ҳиндлар учун муқаддас саналган бу китобларни фақат диний манба сифатида билишади. Холбуки бу манбаларда “биз илк натурфалсафий қарашларни милоддан аввалги II минг - йиллик охири - I мингйиллик бошларидаги қадимги ҳинд афсоналари - Ведалар ва Упанишадаларда дуч келамиз. Уларда Олам образи Пуруши исмли пахлавон образида намоён булиб, барча жонли ва жонсиз нарсаларни яратувчи коинотнинг ўзига хос модели мужассамлашганини кўрамиз”<sup>2</sup>. Бундан ташқари қадимги ҳинд диний мактаблари ҳинд халқи ёшларининг маънавий тарбияси учун энг муҳим тарбиявий манба ҳисобланган. Шу сабабли бу китоблар анъанавий мактабларнинг асосий дарслик вазифасини ҳам бажарган. Бундан ташқари

<sup>1</sup>Муаллифлар жамоаси. Фалсафа тарихи.Т.:2006.Й.45.Б

<sup>2</sup>Муаллифлар жамоаси. Фаннинг фалсафий масалалари.Т.:2007.Й.74.Б

“Ҳинд Ведаларида одамлар ташкилотининг дастлабки шакли - табиий ва қондошлик - ўруғдошлик алокалари асосида вужудга келган жамоанинг шаклланиши ёритилади.

### **МУХОКАМА**

Илк ижтимоий (ишлаб чиқариш, оила - рўзғор ва маънавий - мафкуравий) функциялар йигиндисини ўзида мужассамлаштирган жамоа жамиятнинг дастлабки шакли тарзида намоён бўлади”<sup>3</sup>. Шу билан бирга айрим манбаларнинг маълумотларига қарайдиган бўлсак, қадимги Ҳиндистон ўзининг диний ва фалсафий, бой тарихи ҳамда маданиятига эга бўлиши билан бирга, уч минг йил муқаддам деҳқончилик масалалари, ерларни сунъий суғориш, каналлар қазииш, деҳқончилик, тўқимачилик, заргарлик, ҳунармандчилик ҳамда темирчилик соҳалари кенг тараққий этган цивилизациялардан бири ҳам бўлган. Бундай катта маълумотлар қадимги Ҳинд фалсафасини ўрганишда ўқувчига қийинчилик тўғдиради, шунинг учун уларни маълум бир даврларга бўлиб ўрганиш тавсия этилади.

“Ҳинд фалсафасини қўйидаги даврларга бўлиб ўрганишади:

1. Ведалар даври (миллоддан аввалги 1500 - миллоддан аввалги 600 йй). Ушбу давр Ориё халқларининг Ҳиндистонга бостириб келиши билан боғлиқ бўлиб, бу даврда шу юртда браҳманизм дини етакчи эди.

2. Эпик давр (миллоддан аввалги 600 й - 200 й). Бу давр Упанишадлар билан бошланиб, даршана билан тугайди. Бу даврнинг ўзига ҳослиги шундаки, Махабхарата ва Рамайна эпослари орқали инсонлар ва худолар ўртасидаги муносабат кўрсатилиб ўтилган. Бундан ташқари буддизмнинг келиб чиқиши, кейинчалик Астика ва Настика мактабларининг бўлиниши шу давр моҳиятини билдиради”<sup>4</sup>.

3. Учинчи давр Сутралар даври деб номланиб, бу давр миллодий икки юзинчи йиллардан бошланган. Айнан сутралар даврида Ҳинд фалсафасини бир қолипда шакллантириш масаласи юзага келади. Бу қолипда фалсафанинг скептик масаласи яъни борлиқни билиш муаммоси пайдо бўлди.

Ведалар Ҳиндларнинг энг қадимги манбаларидан бири бўлганлиги учун ҳам унинг қачон пайдо бўлганлиги ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Аммо немис олими Фридрих Мюллернинг фикрига қараганда, ведалар бундан 1200 йил аввал қадимги Ҳинд қабилалари томонидан шакллантирилган деган тахмин бор. Файласуф бу ҳақидаги фикрларини ўзининг “Ҳинд фалсафасининг етти

<sup>3</sup>Муаллифлар жамоаси. Фаннинг фалсафий мактаблари. Т.: 2007. Ҳ. 156. Б

<sup>4</sup>Мадалимов Т. Қадимги Ҳинд фалсафавий манбаалари ва тадқиқот услублари. Central asian research journal for interdisciplinary studies (CARJIS). 2022

системаси” номли китобида келтириб ўтади. Бундан ташқари Ганди ва Гўшнинг замондоши Тилак, бу манбаларнинг қадимийлиги тўрт минг йиллика бориб тақалишини айтган. Айрим маҳаллий аҳолининг зиёли қатлами буни худди бизнинг “Алпомиш”, “Гўрўғли” каби дostonлардек ҳалқ оғзаки ижоди эканлигига ишонишади. Аммо бошқалар эса бунга ишонишмайди, буни худолар томонидан донишмандларга юборилган ваҳий эканлигини билишади. Аммо жаҳон индологлари афсонами ёки ваҳийми бундан қатий назар, улар Ҳиндистондаги қадимий халқлар орийларнинг кириб келиши билан боғлиқлигини жуда яхши тушунади. Сабаби айнан орийларнинг кириб келиши, ушбу худуднинг маданий, иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан ривожланишига туртки бўлган. Яна бошқа бир олимларнинг фикрларини кўзатадиган бўлсак, орий халқларининг юксак маданияти боис маҳаллий халқ ўзининг маданиятига ва синфий жамиятига эга бўлган. Хусусан Ҳиндистонлик олим Дҳармананд Косамби ўзининг “Қадимги Ҳиндистон маданияти ва цивилизацияси”<sup>5</sup> номли китобида қадимги Ҳиндистонда пайдо бўлган улкан маданият учоғи бу орийларнинг хизмати деган ғояларни айтиб ўтади.

Файласуф Свами Вевекананда ҳинд халқининг номланишига бироз эътироз билдириб, бу ном барчага маълумки форслар томонидан дарёнинг нариги томонида яшовчи халқ дея берилган. Шундан бошлаб бу ном бизнинг миллатимизга берилган таърифга айланиб, мусулмонлар ҳукмронлиги даврида асосий атамага айланиб кетди ва ҳозирга қадар сақланиб қолмоқда. Аслида бу атама ҳозирги кунга ўз мазмун – моҳиятини йўқотиб бўлди. Энди ҳиндлар дарёнинг нариги томонида яшовчи миллат эмас балки, шу худудни бутунлай эгаллаган мусулмон, насроний ва жайнларлар ҳам яшамоқда. “Кўплаб миллатли ва турфа динларга сиғинувчи аҳолини битта атама билан аташ ноўринлиги сезилиб бюормоқда. Агар имкони бўлганда ҳинд миллатини веда иўдошлари ёки Ведантислар деб номлаш энг мақбул йўл дея таъкидлайди”<sup>6</sup>. Савол туғилиши мумкин нега Веда? Агар тарихга наъзар ташлайдиган бўлсак, кўпгина халқларнинг номланиши уларга юборилган муқаддас китобларидаги динига асосланади ҳамда шу динга таълуқли атама билан номланади. Масалан ислом дини вакиллари мусулмонлар, христиан динидагиларни христиан ёки насронийлар дея номлашади. “Шунинг учун Свами Вевеканда ҳиндларни Ведантистлар дея номлашни тавсия этади. Бундай ном беришининг яна бир сабаби ҳиндлар учун энг қадимги манба бўлиб, бутун бир қадриятлари ва урф –

<sup>5</sup> Косамби Д.Д. Культура и цивилизация древней Индии. М., 1968.

<sup>6</sup>Скороходова Т.Г.“Нам нужно пользоваться словом “ведантисты” вместо “индусы”: интерпретация истории индийской философии в трудах Свами Вивекананды

одатларининг келиб чиқиши, маданиятининг шаклланиши ушбу муқаддас манбаларда келтирилгани асос бўлади”<sup>7</sup>. Бунданда қадимийроқ ва халқ учун муқаддас китоб йўқ дея файласуф ўз фикрларини исботини келтиради.

Ҳиндлар ведаларни абадий эканлигига ва бу билимлар яратилмаган ва ёзилмаганлигига ҳамда ведаларнинг авал – азал бўлганлигига ишонишади. Агар биз дунёнинг яратилиши ва охири бўлишини билсак, унда қачон яралган ва қачон йўқ бўлади деб савол берсак, улар шундай жавоб беришади: яратилишсиз ва яқунсиз нарса бу ягона худолигини билишса, демак ведалар худонинг азалий билимлари эканлигига ишонишади. Шу сабали ҳам веда сўзининг асл келиб чиқиши “билим” деган атамага бориб тақалади.

### ХУЛОСА

Хулосамиз шуки, Ҳиндистон давлати қадим тарихга эга бўлиб, бой маданияти ва кўпгина диний таълимотларига маънавият ўчоғи ҳамдир. Бу учоқнинг аланга олишида юқорида таъкидлаб ўтган фалсафий мактабларнинг ўрни беқиёсдир. Ушбу мактаблар фалсафий ғоялари сабаб миллионлаб дуё олимлари ҳинд заминидаги сеҳрли манбаларга қизиқиб келмоқда. Зеро илм – фаннинг меваси асрлар ошса ҳамки ҳеч қачон мева беришдан тўхтаб қолмайди.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ (REFERENCES)

1. Валиев Л.А. Ауробиндо Гхошнинг ижтимоий – фалсафий қарашларида инсон ақли. Academic research in educational sciences. Scientific Journal. Тошкент, 2021 феврал. № 2. 808 - 815
2. Ш.Пўлатов. XIX аср охири XX аср бошларида Ҳиндистондаги ижтимоий – сиёсий вазият. Acadimes research in educational sciences. Vol 1. Issue 4.2020. 469-474 b
3. W.Durant. The Case for India. Simon and Schuster. New York, 1930, p.56
4. Ф.Н.Юрлов., Е.С.Юрлова., История Индии. XX век. – М.:Институт востоковедения РАН, 2010. 33 С
5. Косамби Д.Д. Культура и цивилизация древней Индии. М., 1968.
6. Валиев Л.А. Ауробиндо Гхош фалсафасининг маърифатпарварлик ғоялари. Oreantal renaissance. Innovative educational, natural and social sciences journal. Тошкент, 2021 йил - №-4.Б 568-574

<sup>7</sup> Валиев Л.А. Ауробиндо Гхошнинг ижтимоий – фалсафий қарашларида инсон ақли. Academic research in educational sciences. Scientific Journal. Тошкент, 2021 феврал. № 2. 808 - 815

7. Скороходова Т.Г. “Нам нужно пользоваться словом “ведантисты” вместо “индусы””: интерпретация истории индийской философии в трудах Свами Вивекананды
8. Б.Алаев. История Востока. Т 5.:Восток в новейшее время 1914 – 1945 г. 307 – 3011.С.
9. Ф.Н.Юрлов., Е.С.Юрлова., История Индии. XX век. – М.:Институт востоковедения РАН, 2010. 36. С.
10. Л.А.Валиев. Гҳош таълим концепциясининг шаҳс маънавиятидаги ўрни. ТДТрУ.2022. Б.522-526
11. L.A.Valiyev. The philosophy of ancient religious teachings in Ghosh’s views. International Scientific Journal. November АҚШ. Volume: 103. 2021 йил P. 683-686 ISSN: 2308-4944 SOI: 1.1/TAS DOI: 10.15863/TAS.